



MILLIY TIKLANISH

6 (438) ● 2017 йил 8 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний барбирликни муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўйбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-бўйрукбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогност кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илрор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "Электрон ҳуқумат" тизимини тақомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилни мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди. Ҳар бир давлат идораси фуқароларимиз учун хизмат қилиши шартлиги аниқ белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун ширини ҳаётимизда ўз тасдиғини топаётган. Инсон манфаатлари, халқ фаровонлигини таъминлашда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг оро-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқ билан мулоқот инсон манфаатларининг юксалишига олиб келади. Яъни, мулоқот ва



амалга оширилаётган мазкур тадбир қонун ижодкорларининг жойларда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиш ҳамда аҳолининг талаб ва таклифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, сайловчи бундай учрашувларда депутатдан ўзини қизиқтираётган, ўйлантираётган муаммоларга амалий ечим кутади.

иктисодий жихатдан ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Хоразм вилоятига ташрифи бутун воҳа аҳли қатори қўшқўрликларни ҳам янги марралар сари руҳлантирди. Зеро, одамга куч бағишлайдиган энг катта восита — бу эътибор. Эътибор натижасида жамият раванқ топади, одамлар кўнглида янги оро-умидлар пайдо бўлади. Эътиборли бўлган инсон ҳаётга, ен-атрофида рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарамайди. У одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун қуонади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов, фракция аъзолари Жуманазар Отажонов, Иноят Хожиев Қўшқўпир туманида даставвал Шихмашҳад, Ҳадра кншлоқлари аҳолиси билан мулоқотда бўлди. Депутатлар ҳар бир хонадонга кириб бориб, одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари билан яқиндан танишди.



Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг тубдан тақомиллаштиришга замин бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратади.

Давлатимиз раҳбари Конституция-миз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан

нинг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегishли ҳулоса бериши тартибни жорий этишни таклиф этган эди.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг худудларда аҳоли билан учрашувлари ўтказилмоқда. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида

Ошқора мулоқот ва амалий таклифлар

Мамлакатимизнинг чекка туманларидан саналган Қўшқўпир сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган давлат дастурлари натижасида ижтимоий-

Миллий гуруҳ

Мамлакатимизда бугун алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланимоқда. Интернет, мобил алоқа ва бошқа яна кўплаб юқори технологияли маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва исчила янгилашга хизмат қилаётган.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ ЭҒАЛАРИ



Мамлакатимизда, айниқса, ёш мутахассисларнинг ўз ижодий салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети-нинг 4-курс талабаси Иззат Маҳмадалиев ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, дастурий таъминот воситалари тайёрлаш билан шуғулланаётган ёшлардан.

Муносабат

Кучли ижтимоий ҳимоя мамлакатимиз танлаган йўлнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки аҳоли, айниқса, кексалари эъзозланган юртда меҳроқибат, қўт-барака, тинчлик-хотиржамлик бўлади. Шу боис мамлакатимизда нурунийларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi, саломатлигини мустаҳкамлаш учун кенг шароит ва имкониятлар яратиш борасидаги ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётган.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бутун халқимиз, айниқса, кекса авлод вакиллари катта хурсандчилик билан қарши олди.

Ушбу сонда:

ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ БИЗ УЧУН ҲАМ ОЗИҚ, ҲАМ ШИФО МАНБАН



5-бет

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ИНСОНИЙ КАМОЛОТ ТИМСОЛИ

Олам яралишидан мурод — одам. Зеро, у яралишлар ичиде энг мукаррами. Бу ёруе дунёдаги барча неъматлар инсон ва унинг манфаатига хизмат қилмоғи зарур. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари ана шу теран фалсафий қарашлар бетакрор бадиий талқин этилгани билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Жумладан, улге бобокалонимиз "Ҳамса"нинг илк достони бўлган "Ҳайрат ул-аброр"да мана бундай ёздаи:



Ганжинг аро нақд фаровон эди, Лек боридин гараз инсон эди. Яъни еру кўк, осмонни беэаб турган куёш, ой ва юлдузлар, юксак тоғлару музайян боғлар, хайвонот ва наботот олами — барчаси Яратганинг бекиёс кудратига далил ва Унинг бетимсол хазинасидаги

тенгсиз жавохирлардир. Қанчалик латиф бўлмасин, уларнинг барчасини яратишдан мақсад — инсон. Уларни тасаруф этмоғи, ўз нафига хизмат қилдирмоғи учун Тангри таоло инсонни ақлу тафаккур билан мумтоз этган.

ДАРЁ БЎЙИДАГИ САНЪАТ КОШОНАСИ



7-бет

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — УСТОЗНИНГ БАХТИ



8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошлангани 1-бетда.

конун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор маъқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига ҳорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида ҳавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўнчилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

2. Қўйидагилар: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия 2-иловага мувофиқ;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар 3-7-иловаларга мувофиқ тузилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади;

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

4. 2017 йил Ўзбекистон Республикасида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган маълумот учун қабул қилинсин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда - Давлат дастури) 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек Ҳаракатлар стратегиясини 2018-2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривож-

лантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан биргаликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиб борилади.

6. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизми ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва фовлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймасликка;

Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиклиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш;

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб боришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилишини;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган ҳорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, ҳорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрганишда қўмақласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Давлат дастурининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутди. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаш керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Маъмурий судларни, ҳўжалик судларни тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини тасвир этиш орқали судларни келгусида иқтисодлаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Сансалорлик ва ишларнинг қўриб чиқиши судлар томонидан асосиз қўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартаф этиш ва уил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эти олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, ҳабарларнинг ўз вақтида олиншини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибин сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек ушбу йўналиш 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, таълаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштиришни, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилишни ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатларнинг ривожлантиришини, нотариат тизимини ва ФХДЭ органларини ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олади.

"Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш" деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизmlарини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган махсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибдорликни ошириш, солиқ маъмуричилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли ҳорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёрларлик қўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридида 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда са-

ноат махсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички махсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошад.

"Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолининг электр энергия, газ билан таъминлашини яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Иқтисодий даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчусига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрик сув таъминоти қуурлари, 316 километрик газ таъминоти қуурлари ва 291 километрик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда.

"Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги ташқи сиёсат юритиш" деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий ахиллигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберҳавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фақулодда вазиятлардан ҳабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ҳорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистоннинг ҳорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технология ва моливий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурининг юқоридида кайд этилган барча чора-тадбирларни амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилди.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегия ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилмоқда.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқоридида кайд этилган вазифаларни амалга ошириш, балки 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳам юклатилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

ЎзМТДП ташкилотларида

Партия ҳудудий ташкилотларида ўтган йилги фаолиятни танқидий таҳлил қилиш, жорий йил чора-тадбирларини белгилашга қаратилган кенгайтирилган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Уларда ЎзМТДП Марказий кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти якунлари ва 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган навбатдаги Пленумида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нукус шаҳри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ҳам айна шу масалалар муҳокамасига бағишланди.

Йиғилишда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов энг асосий вазифа — партия сайловолди Платформасини амалга ошириш ва электрот манфаатларини химоя қилишда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари, партия фракцияси ва гуруҳлари катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик масалаларига доимо эътибор қаратиши лозимлигини таъкидлади.

— Бугунги давр барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимизнинг жойларда ва аҳоли орасида доимий равишда

Яқунда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳри. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ходимлари, куйи бўғинлар етакчилари иштирок этди. Унда партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, партия шаҳар кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти якунлари, 2017 йилги фаолиятининг асосий йўналишлари ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Кенгайтирилган йиғилишда партия тизимида 2016 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, шу билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Рустам Қосимов таъкидлаганидек, 2016 йилда партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, партия аъзолари сонини кўпайтириш, кадрлар маъласи ва салоҳиятини оширишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Бирок, Чилонзор, Яқкасарой туман партия кенгашларида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустахкам ўринга эга бўлиши, унинг ғоялари одамларга етиб боришида сайловолди Платформада белгиланган мақсад-вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга

килотлари сафини кенгайтириш, аъзолар сонини ошириш, тадбирлар таъсирчанлигини таъминлаш ҳар бир партия аъзосининг асосий вазифасига айланиши керак. Партия ташкилотлари сафида тартиб-интизом бўлгандагина фаолиятимиз бундан-да самарали ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши мумкин бўлади.

Йиғилишда 2016 йилда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш партия ташкилотлари ва депутатлик корпусидан изланувчанлик, ташаббускорлик, ўз фаолиятига нисбатан талабчанлик ва танқидий ёндашувни тақозо этиши таъкидланди.

Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Урганч шаҳри. ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ҳам таҳлилий-танқидий руҳда бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган асосий вазифалардан келиб чиқиб, аввало, одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, шу асосда депутатлик сўровларини амалга ошириш, сессия ва доимий комиссиялар кун тартибига ташаббус-масала ва тақлифлар олиб чиқишга эъти-

Худудларнинг туристик салоҳиятини рўёбга чиқариш юзасидан халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашидаги партия гуруҳи самарали фаолият олиб борди. Партия гуруҳи туманда Экотуризмни ривожлантириш ва экотуристик базаларни ташкил қилиш бўйича сессияга ташаббус-масала олиб чиқиши натижасида Чўболончи қишлоғидаги Амударё соҳилида экотуристик база ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Аммо, халқ депутатлари вилоят, Урганч шаҳар, Бобот ва Кўшкўпир туманлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессияларга 2016 йилда бирорта ташаббус-масала олиб чиқмаганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

лойда партия аъзоларининг 51 фойзидан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Йиғилишда яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги Пленумида партия Навоий вилояти "Ёшлар қаноти" фаолияти эътироф этилгани, бу ишонч, ўз навбатида, янада фаоллик билан иш олиб боришни ҳамда катта масъулият талаб этиши таъкидланди. Зеро, бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг онг-тафаккурини турли зарарли ва ёвуз ғоялардан асраш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани партиянинг ёшлар йўналишидаги фаолиятини давр талабига мос равишда тубдан кучайтириши тақозо этмоқда. Шунингдек, йиғилишда партия "Аёллар қаноти" фаолияти ҳам таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалари белгиланди.

ЎзМТДП сайловолди Платформаси иж-



— ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш

ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР ФАОЛИ

ЎЗ ФАОЛИЯТИГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШИ ЗАРУР

бўлишини, одамларни ўйлантираётган муаммоларни хал қилишда амалий кўмак беришини, ҳаётини ва аниқ тақлифлар тайёрлашини талаб қилмоқда. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва хал этиш, партия электротати манфаатлари ҳамда дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросини таъминлашда партия ташкилотлари билан депутатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек йиғилишда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Тарбиёт-ташвиқот ишлари натижасида бошланғич партия ташкилотлари сони ҳисобот даврида 617 тага, партия аъзолари сони 15 минг 400 га етди.

2016 йилда электротат манфаатларини химоя қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари 141 депутатлик сўровини амалга оширди. Улар ташаббуси билан 11 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессияларга 30 ташаббус-масала, доимий комиссияларга 13 тақлиф олиб чиққан, 126 депутатлик сўровини амалга оширган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида 14 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди.

Ҳисобот даврида эришилган натижалар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани танқидий таҳлил этилди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги сусткашликлар танқид қилинди. Уларнинг аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб партия туман кенгаши ва партия гуруҳлари аъзоларига тақлифлар киритиш бўйича зарур таважжол берилди. Бугунги давр олдимизга қўйётган вазифаларни ижро этиш партия ташкилотлари ва депутатларидан изланувчанлик, ташаббускорлик, ўз фаолиятига нисбатан талабчан-

эга. Шу нуқтаи назардан партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз ҳуқуқ ва ваколатидан унумли фойдаланиши зарур. Бу борада партия гуруҳи ўтган йилда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларига партия дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташаббус-масалалар киритишга интилади. Яъни, 2016 йили партия гуруҳи ташаббуси билан сессияларга 4 масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Шунингдек, электротат манфаатларини химоя қилишга қаратилган қатор депутатлик сўровлари амалга оширилди.

Кенгайтирилган йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари Сардор Қориев, Равшан Сайидахмедов Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида партия сайловолди Платформасини амалга ошириш, электротат манфаатларини химоялаш ва депутатлик назоратини амалга оширишда партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидланганидек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида партия тизимида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими кенг йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, барча даражадаги партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳлари зиммасига алоҳида вазифа ва масъулият юклайди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев иштирок этди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу оғузлиги рўёбига, ҳуқуқ ва эркинликларини, тинч, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қилаётир, — деди партия раҳбари ўринбосари. — Давлатимиз раҳбарининг дастурилла-

бор қаратишимиз лозим, — деди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ғофиржон Юсупов. — Партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар салоҳиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш — энг устувор вазифалардан. Бойси, бугунги давр биздан янгиликка интилишни, ташаббускорлик, замонвий сиёсий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни талаб этмоқда. Бунинг учун самарасиз тадбирлардан воз кечиш, унга янгича руҳ ва мазмун бағишлаш, мазмун-моҳияти-



ни аудитория тез, қулай ҳамда осон қабул қиладиган даражада ташкил қилиш, янгича усулларни татбиқ этиш лозим.

Йиғилишда партия вилоят кенгашининг ўтган йилги фаолияти таҳлил этилди. Ҳисобот даврида партия ҳудудий кенгаши фаолиятида мафқуравий ва маънавий-маърифий тарбиёт тадбирлари самарадорлигини ошириш, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ишларини такомиллаштириш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

Бирок, тадбирлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Чунинчи, тадбирларга депутатларни жалб этиш орқали одамларнинг партия ғоя, мақсад-вазифаларига қизиқишини оширишга етарлича эътибор қаратилмапти. Йиғилишда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолият танқидий таҳлил этилди.

2016 йилда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ташаббуси билан сессияларга 7 масала киритилди. Жумладан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижроси халқ депутатлари Урганч, Ҳазорасп, Хонка, Хива, Шовот ва Янгиарик туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқи-либ, тегишли қарорлар қабул қилинди. Халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши сессиясида мутасадди ташкилотларга шу ҳудуддаги Каткаль ва бошқа қатор қадимий ёдгорликларда туристик манзиллар ташкил этиш вазифаси юклатилди.

ва сайловчилар ишончини оқлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топиш партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, бунинг давридаги ўзи тақозо этмоқда, — деди партия раҳбари. — Бугун ҳар бир депутат, партиянинг ҳар бир фаоли бу ҳаётини ҳақиқатни чуқур англаб, шахсий жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ўз вазифасига масъулият билан ёндашса, партия электротати олдидан ўз оғузини сақлаб қолиб, сиёсий куч сифатида унинг чинакам химоясига айланади. Шундай экан, депутатлик ваколатидан унумли фойдаланмаётган, ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган айрим депутатлар ва партия ташкилотлари тегишли хулоса чиқариб, фаолиятини тубдан ислоҳ этиши лозим.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Навоий шаҳри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши кенгайтирилган йиғилишида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг 2016 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

— Партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзоларимиз сафини кенгайтиришда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди, — деди ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Илҳом Ражабов. — Куйи бўғин аралашуви ва кўмағ билан айрим маҳаллий масалаларга ечим топилаётгани аҳолининг партия ташкилотларига ишончини янада мустахкамламоқда. Шу боис аҳолига энг яқин бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтиришимиз, замон талабларига мос моддий-техник база билан таъминлашимиз лозим. Зеро, бугунги давр талабидан келиб чиқиб, аҳоли билан доимий мулоқотни изчил ва самарали ташкил этиш кўмақдош ташкилотлар воситасида амалга оширилади.

Ҳисобот даврида партия вилоят кенгаши ўтказган 876 давра суҳбати, форум ва фестиваллар, маънавий-маърифий тадбирлар самарасида аъзолар сони 938 нафарга кўпайди. Бунда, айниқса, партия "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти эътиборга молик. Бугун ви-

лоятда партия аъзоларининг 51 фойзидан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Йиғилишда яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги Пленумида партия Навоий вилояти "Ёшлар қаноти" фаолияти эътироф этилгани, бу ишонч, ўз навбатида, янада фаоллик билан иш олиб боришни ҳамда катта масъулият талаб этиши таъкидланди. Зеро, бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг онг-тафаккурини турли зарарли ва ёвуз ғоялардан асраш масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани партиянинг ёшлар йўналишидаги фаолиятини давр талабига мос равишда тубдан кучайтириши тақозо этмоқда. Шунингдек, йиғилишда партия "Аёллар қаноти" фаолияти ҳам таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалари белгиланди.

Шундан сўнг, фаолиятда фойдаланилмаётган имконият ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида сўз борди. Самарали ва натижавий тадбирлар ташкил этишда партия Навоий шаҳар ҳамда Қизилтепа, Хатирчи, Кармана, Учқудуқ, Навбахор туман кенгашлари намунали фаолият юритгани алоҳида эътироф этилди. Партия Конимех ва Томди туман кенгашларида етарлича иш олиб борилмагани кескин танқид қилиниб, мазкур туманларда ўз вазифасига совуққонлик билан қараган мутахассислар ўрнига бошқа номзодлар кўрсатилди.

Кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқди.

— Партия тизимида фуқаролар, сайловчилар ва электротат билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг самарали усул ва механизмларини татбиқ этиш лозим, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари. — Бугунги давр сиёсий партиялар олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Бу эса ЎзМТДП ташкилотлари ва партия гуруҳларидан ҳар бир масалага масъулият билан ёндашишни, замон билан ҳамнафас бўлишни талаб этади. Тадбирларни интерфаол тарзда ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир тадбир иштирокчилар онгига партия ғоясини сингдира олиши, сиёсий онгини ўстиришга, айниқса, ёшларнинг кенг дунёқарашга эга бўлиши ва теран фикрлашга хизмат қилиши зарур.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларига ҳам эътибор қаратилди. Зеро, аҳолини партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятдан хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар муҳим ўрин тутди.

Кенгайтирилган йиғилишда партия ташкилотлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кучайтириш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини яхшилаш, депутатларнинг халқ билан мулоқот олиб бориш борасидаги фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбирлари



лик ва танқидий ёндашувни тақозо этади. Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Кенгайтирилган йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан партия фаоллари ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдирди.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

< Давоми.
Бошланғичи 1-бетда.

— Бугун ким билан суҳбатлашманг, ҳаманинг онгиди ижобий ўзгаришлар, янги фойлар туғилмоқда, — дейди Шихмашхад қишлоғида яшовчи Абдулла Абдуллаев. — Кредит олиб, ҳўжалигини обод қилганлар энди кўшимча иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ташаббус билан чиқмоқда. Мактабда узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бердим, айни пайтда нафақаданман. Ўлим ҳам меннинг изидан борди, ўқитувчилик касбини танлади. Лекин асосий ишдан бўш вақтларда хунармандчилик билан шуғулланаман. Қонунчилик палатаси депутатларининг хонадонимизга ташрифи бизни жуда қувонтирди. Улар устахонамизда ўлим ясаган хунармандлик буюмлари, иш жараёни билан яқиндан танишиб, юртимизда хунармандларга яратилган имконият ва имтиёزلар ҳақида янги маълумотлар берди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ушбу қишлоқларда бўлиб ўтаётган мулоқотларида аҳолининг мурожаатлари диққат билан тингланмоқда, ҳар томонлама эътиборга олинди, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Ўтказилаётган учрашувлар халқ билан мулоқотнинг энг мақбул усули сифатида аҳолининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, уларнинг қалбига йўл топиш, дардида дармон бўлиш, юмушига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди шу қишлоқда яшовчи Орзул Шарипова. — Масалан, табиий газ етиб бормаган жойларга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда. Бироқ тўлов терминали етишмаслиги тугайли уни харид қилишда бироз қийинчилик бор эди. Депутатларнинг аралашуви билан ушбу масала ҳам жойида ҳал этилди: суюлтирилган газ етказиб берадиган шохобага тўлов терминали қўйилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини янада юксалтириш мақсадида қабул қилинган давлат дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани Кўшқўпир тумани тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустахкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди. Туман аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, самарали тиббий хизмат кўрсатишда мавжуд 21 та қишлоқ врачлик пунктининг алоҳида ўрни бор.

ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Хайрбод қишлоғидаги қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур ҚВПда аҳолининг орасига янада чуқурроқ кириб бориш, оила, она ва бола манфаатини ҳар томонлама муҳофаза этишда тиббий патронаж ҳамширалар фаолияти яхши йўлга қўйилган, улар хонадон-хонадон юриб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, тегишли тавсиялар бериш баробарида тиббий маданиятни юксалтиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

— Аҳоли саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ҳаётимиздаги кўплаб тиббий-ижтимоий вазифаларни оқилона ҳал этиш барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим омиллари, — дейди Хайрбод ҚВП мудир Дилором Матқубова. — Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бу масалаларга давлат сисъати даражасида устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самараларини бермоқда. Эришилаётган бундай ютуқлар билан бирга талай долзарб вазифалар ҳам ўз ечимини кутмоқда. Халқимизнинг замонавий тиббий ёрдам

га кундан-кун ўсиб бораётган талабини қондириш, юртимизнинг чекка ҳудудларида яшайдиган аҳолини ҳам бундай замонавий тиббий ёрдамдан тўлиқ баҳраманд этиш зиммаимизга қатъий масъулият юкляётди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари қишлоқ врачлик пунктида шароитлар билан танишиб, фаолиятимизни янада яхшилаш бўйича фикр билдирди, муаммоларимиз билан қизикди. Биз у кишига кадрлар, айниқса, умумий амалиёт шифокори етишмаслигини айтдик. Депутатимиз Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, бу борада парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, қонунчилик киритилиши кўзда тутилаётган янгиликлар ва уларнинг аҳамияти, Харажатлар стратегиясида белги-ланаётган вазифалар хусусида кенг маълумот берди.

Фракция аъзолари Ўртаёп қишлоғида умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пункти фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, шу йўналишдаги ишлар самардорлигини янада ошириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқотда қишлоқ жойларда ечимини кутаётган муаммолар, қурилиш ишлари, кўча ва йўللари таъмир-иш, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, тadbirkorликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
ЎзМТДП фаоли

Давлат идоралари — халқ хизматида

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Даврон Орипов, Элдор Туляков ва Одил Тожиёв Куйи Чирчиқ туманидаги қорхона, ташкилот, муассасалар ва хонадонларда бўлиб, одамлар фикри ва эҳтиёжи билан қизикди. Фаоллар, фуқаролар йиғинлари раислари, тadbirkorлар, фермерлар билан учрашувларда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг моҳияти ҳақида сўз юритилди. Аҳоли кўп мурожаат қилганидан давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан янгича ёндашувга эътибор қаратилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳоли билан яқиндан мулоқоти ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, муаммоларга жойида ечим топишга хизмат қилиши таъкидланди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар, жамиятда қонуни устуворлигини таъминлаш, солиқ ва бюджет сисъатининг 2017 йилги асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мулоқотлар мавзусини ташкил этмоқда. Мулоқотлар давомида қабул қилинган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорларининг ижроси, тadbirkorликни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсик бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ўрганилаётди.

— Аҳоли билан мулоқотда ҳудудларда иқтисодий инфратузилмани ва тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш, банк, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини кафолатлаш масалалари диққат-эътиборимизда бўлмоқда, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Бир қатор банкларнинг Куйи Чирчиқ туман филиалларида бўлганимизда, банк хиз-

мати кўрсатиш, аҳолига кредит маблағлари ажратиш, кредит турлари, фойзалари, омонатларни жалб қилиш, нақд пул борасидаги муаммоларни ҳал этишда қандай чоралар кўриляётгани билан қизикдик. Ўн кун давом этадиган бундай ўрганишларда барча соҳа бўйича ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича тегишли чоралар белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги натижалар эса халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва фаоллари иштирокида муҳокама қилинади.



Тумандаги "Истиқлол", "Тош-

ташладик.

Мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, тарбияланувчиларга яратилган имкониятлар, уларнинг амалий машғулотлар билан камраб олинганлиги даражаси, гуруҳдаги болалар сони белгиланган меъёрга мувофиқлиги, овқатланиш рағбонлиги, муассасалари санитария ҳолати билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белги-ланди.

Тумандаги таълим муассасаларидан бири — Куйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи фаолияти билан

овул", "Тул", "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида мактабгача таълим муассасаларига бўлган талаб юқори экани кайд этилди. Мазкур ҳудудлар аҳолисининг бу борадаги талаблари ўрганилди. Бу бўйича зарур чора-тadbirkorлар кўрилиб, тегишли ҳулоса чиқарилди.

танишув, бу ерда таълим олаётган ўқувчилар билан учрашув ҳам савол-жавобларга бой бўлди.

Коллеждаги ижобий ишлар билан бирга, баъзи муаммолар ҳам тилга олинди. Хусусан, ўқувчиларнинг коллежга ўз вақтида келиб-кейтиши учун жамоат транспорти катновини изчил йўлга қўйиш, муассасаларда мавжуд қилангарлик устахонасини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Парламент аъзоларининг тумандаги бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бу каби ўрганишлари давом этмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аҳоли билан юзма-юз

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Абдурашид Тўхтабоев, Авазбек Жалилов ва Акмал Жумабоев, Сенат аъзолари Ойбек Турғунов, Тожибар Йўлдошева ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзоларидан иборат гуруҳлар Шаҳрихон туманидаги барча таълим ва тиббиёт муассасалари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишмоқда. Аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан дилдан мулоқот қилмоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев бошчилигидаги гуруҳ "Ҳақиқат" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Пахтақўл, Қашқар ва Сарой маҳаллаларидаги хонадонларда бўлди. Мулоқотлар давомида аҳолининг мавжуд муаммолари, мурожаатлари атрофида ўрганилди. Учрашувларда, асосан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари, фермерлар ўз фаолиятини кенгайтириш, ер ажратиш, кредит олиш, коммунал соҳадаги муаммолар ва бошқа масалалар юзасидан депутатлар ва туман ташкилотлари раҳбарларига мурожаат қилиб, саволларига жавоб олди.

— Оилавий тadbirkormiz: ўзим дераза ва ром ясаيمان, турмуш ўртоғим пазанда, — дейди тadbirkor Содиқжон Толипов. — Келгусида тadbirkorлик фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бунинг учун бизга маҳалламиз ҳудудидан алоҳида жой зарур. Депутатимизга ана шундай масала билан мурожаат қилдим. У киши бизга керакли кўрсатма ва йўл-йўриқлар берди.

— Қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллалар, таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш жараёнида ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, тadbirkorлар, фермерлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, шифокорлар билан суҳбатлашдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев. — Оилалар фаровонлигини юксалтиришга тўсик бўлаётган камчиликлар хусусида атрофлиқ фикр алмашдик. Тadbirkorнинг иккинчи босқичида маҳаллий давлат ва ҳуқуқ-тартибот идораларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишамиз. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини ўрганимиз. Ўрганиш натижалари халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва фаоллари иштирокида муҳокама этилади, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш чоралари кўрилади.

Шунингдек, ЎзМТДП фракцияси аъзолари Авазбек Жалилов ва Акмал Жумабоев "Чўжа" ва "Абдубий", Сенат аъзолари Ойбек Турғунов ва Тожибар Йўлдошева "Пахтаобод" ва "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги қатор хонадонларда бўлди. Учрашувларда аҳолидан турли соҳаларга оид 60 дан ортиқ мурожаат қайд қилинди, уларни ҳал этиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатил-



ди, айримлари тегишли мутасаддиларга йўналтирилди.

— Мулоқотлар давомида аҳолининг ҳудуддаги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, банклар фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, тақлифларини эшитдик, — дейди сенатор Ойбек Турғунов. — Маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, фарзандлари олий ўқув юртида ўқийётган оилалар, имконияти чекланган қишлоқ, кексалар билан суҳбатлар чоғида қайд этилган муаммо ва камчиликлар юзасидан ҳокимликлар ва мутасадди идоралар вакиллари билан фикрлашдик, ўз тавсияларимизни бердик. Қайси хонадонга кирган бўлсак, оила аъзоларининг бирор-бир мушкулни осон қилиш, дуч келаятган муаммоларига имкон қадар ечим топишга интилдик. Хонадонма-хонадон кириб юриш асносида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилга Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб ном беришининг моҳиятини яна бир бор англадик. Қачонки халқ ичига кириб борсак, улар билан дилдан суҳбатлаш-саккина юртдошларимиз турмуш тарзи, мақсад-ўйлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Мулоқотлар натижалари асосида Шаҳрихон туманидаги маҳаллаларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини мустахкамлаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, ички йўллар таъмири ва бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш, жойларда маънавий тартибот ишларини кучайтириш юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан аниқ муддатли чора-тadbirkorлар ишлаб чиқилиб, масъуллар белгиланди.

Абдурашул ҲУЛОМОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши
Ижрония кўмитаси дeвонии
етакчи мутахассиси

Халқ вакиллари халқ олдида ҳисобдор

ЎзМТДПдан Олий Мажлис палаталарига сайланган депутатлар ва сенаторлар Шофиркон туманида аҳоли турмуш тарзи билан танишмоқда.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторларнинг халқ билан юзма-юз мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни яқиндан ўрганаётгани фуқаролар томонидан ўртага ташланаётган масалаларга тўғри ва ўз вақтида ечим топиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Тумандаги "Искогаре" ва "Дўрмен" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Юқори ва Куйи Чуқурак, Мулот, Искогаре каби бир қатор қишлоқлар аҳолиси билан учрашдик. Ҳатто энг чекка қишлоқларда бўлиб, одамлар билан юзма-юз гаплашар эканмиз, қишлоқлар кифёсаси қўрқамлашгани, одамлар дунёкараши ўзгарганига гувоҳ бўляпмиз. Улар мамлакатимиздаги бугунги туб ўзгариш ва кенг миқёсли янгилишни жараёнида ривожлантиришда маънавий билдирмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йил-

лигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустахкамлашни таъкидлаган эди. Шофирконга келган парламент аъзолари аҳоли билан учрашув давомида ана шу ҳақиқатга яна бир бор бевосита амин бўлмоқда.



— Депутатларнинг қишлоғимизга келиши одамларнинг кўнглини кўтариб юборди, — дейди Жўйрабод қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Бахтиёр Ҳамроев. — Улар уйма-уй юриб, мавжуд муаммолар билан қизикмоқда, уларнинг ечимига амалий кўмак бермоқда. Бу эса кўпчиликда янги ишларни бошлашга рағбат уйғотмоқда. Ўз оиламиз тўқинлиги, юртимиз фаровонлиги ва тинчлиги учун

ҳар биримиз ҳиссамизни қўшишимиз зарурлигини янада чуқурроқ ҳис этипмиз.

Кенг аҳоли қатлами вакиллари билан учрашиб, қорхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан яқиндан танишяётган ЎзМТДП фракцияси аъзолари Феруза Ибрагимова ва Назиржон Собировнинг фикрича, бундай юзма-юз мулоқотларнинг депутатлар учун ҳам аҳамияти катта.

Чунки қонуни ижодкорлиги жараёнида, қонунларнинг ҳаётлигини таъминлаш ва янада такомиллаштиришда бу каби амалий мулоқотлар мустахкам асос бўлиб хизмат қилади, қолаверса, самарали парламент назоратини амалга оширишда муҳим омил бўлади.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия Шофиркон туман кенгаши ҳамда партиямиздан туман Кенгашига сайланган депутатлар фаолияти билан ҳам танишдилар.

Парламентдаги вакиллар билан бундай ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашиш куйи ташкилот фаолиятини янада кучайтиришга, ЎзМТДПнинг жамиятдаги маънавини мустахкамлашга хизмат қилади.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маҳаллий Кенгашларда

ХУДУД РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ

депутат зиммасидаги асосий вазифа

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилган тақдир ва ташаббуслар билан чиқиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш сибсий партиалар олдида турган долзарб вазифалар сирасига кирди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳларининг ташаббуслари ва фаолияти муҳим аҳамият касб этади.



лятидан розими? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида партиямиздан сайланган айрим депутатларимиз фаолияти билан танишдик.

Айтиш жоиз, жойларда депутатлар томонидан ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг орзу-уйлари, ташвишларини яқиндан билиш, муаммоларини хал этишининг муҳим омилларидан биридир. Айни пайтда депутатлар сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган масалаларда ёрдам беришда муайян ишларни амалга оширолмоқда. Масалан, халқ депутатлари Денов тумани Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутат Раъно Саломова қисқа вақт ичида туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга аҳоли мурожаатлари ва мавжуд қонунийлик асосида 15 дан ортиқ депутатлик сўрови юборган ва уларнинг аксарияти ижобий хал этилган. Мурожаатлар асосан бандлик, уй-жой, тадбиркорлик хизмат кўрсатиш, тиббиёт соҳасига оид бўлиб, бу мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини янада оширишни талаб этади. Масалан, Сўфи Оллоёр маҳалласида автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи фуқаро Нурали Айниевнинг устахонасини кенгайтириш юзасидан мурожаат депутат таъйини билан ижобий хал этилган. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи беш нафар ёш йигитнинг бандлик таъминланди. Шунингдек, "Истикбол" маҳалласидаги ички йўл ҳам депутатнинг сўрови натижасида таъминланди.

— Аҳолидан тушаётган мурожаатларнинг аксарияти кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ. — дейди депутат Раъно Саломова. — Кимдир ишга жойлашиш, кимдир нафақа пулини олиш, яна бошқаси тадбиркорлик фаолиятида дуч келган муаммо юзасидан мурожаат қилади. Лекин депутат учун

масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдир бор. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиб, имкон қадар хал этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бугунги давр фаолиятимизни тубдан кучайтиришни талаб этмоқда. Бу иш фаолиятимиз самардорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, янгича тартибда ишлаш деганидир.

Қадим-қадимдан Денов — қўли гул чеварлар маскани бўлиб келган. Шундан келиб чиқиб, бу йилги режамизга худудда миллий хунармандчиликни кенг ривожлантириш, хунармандчилик маҳсулотлари савдосини ташкил этишни киритдик. Бу умумтаълим мактабларига хомий ташкилотларни жалб қилиш орқали дарсдан ташқари тўғрақларда айна масалага кенг эътибор қаратиш, уларни керакли жихозлар билан таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришни талаб этади. Бунинг натижасида, аввало, аҳолининг фаровонлиги ошади, қолаверса, қўшинча иш урни яратилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўзМТДПдан сайланган яна бир депутат — Зулфия Дагаровани Денов туманидаги "Галаба" маҳалласида, фуқаролар билан кизгян мулоқот жараёнида учратдик.

— Бугунги депутатнинг иш кабинетиде эмас, халқ ичида кўпроқ бўлиши жуда муҳим. — дейди у. — Чунки халқимиз биздан худудлардаги мавжуд муаммоларга ечим топишда кўмак беришимизни, уларга елкадош бўлишимизни кутмоқда. Шу боис сайловчилар билан учрашувларда аҳолининг ўйлантираётган масалалар юзасидан фикрлашамиз, мутасаддилар билан бирга унга ечим излаймиз. Бугунги учрашувда маҳалла фаолларидан бири Бахриддин Махмудов иссиқхона қуриш учун кредит олишда кўмак сўради. Нафакат у киши, балки учрашув катнашчиларига оилавий тадбиркорлик,

касаначилик, бизнес-режа тузиш, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, тижорат банклари томонидан микроолиявий хизматлар кўрсатишининг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар берилди. Шунингдек, ушбу худудда аёлларнинг уй шароитида касаначилик билан шуғулланишлари учун барча имконият мавжуд. Фақат уларга озгина кўмак ва далда керак. Ўтган йили туманининг "Катта қўл" маҳалласидаги тикувчилик цехида 10 нафарга яқин аёл иш билан таъминланди. Айни пайтда улар сафи янада кенгаймоқда. Энг муҳими, одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бу билан кўп қабил оилаларга барака кирди, янги-янги иш ўринлари яратилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил саналади. Ушбу масала ҳам депутат Зулфия Дагарованинг доимий диққат эътиборида. "Тўда", Шерозий ва "Галаба" маҳаллалари аҳолисининг худуддан оқиб ўтувчи Хўжанпоқ сув қувурига улаштириш амалий ёрдам сўралган мурожаатдан сўнг депутат вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонасига сўров юборди. Ушбу масала ўрганилиб, корхонанинг жорий йилги режасига киритилди. Кўмқўрғон маиший хизмат кўрсатиш ва педагогика коллежига олиб борувчи йўллар, кўпқиррали таъмирлаш ишларида ҳам депутатнинг ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда депутат кенг омма билан ишлашдаги фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида депутатлар фаолияти танқидий таҳлил этилиб, янада фаол ва ташаббуслор бўлиш давр талаби экани яна бир бор таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва гуруҳлари бу йилги фаолиятида ишлар самардорлигини тубдан яхшилаш, айниқса, маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар олиб чиқиш, сайловолди ваъдаларини бажариш, қолаверса, партия нуфузини юксалтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқмоқда. Халқ билан доимий ва очик мулоқотларда одамларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишининг янгича механизмини йўлга қўйиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимиз ишончини оқлаш, худудларнинг янада тараққий топишда хисса қўшиш — депутатларимиз олдидаги муҳим вазифадир.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат ва замон

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, худудларда ўз ечимини қутаётган масалаларни хал этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда фуқаролар биринчи навбатда, ўзлари ишонч билдириб сайлаган депутатлардан амалий ишларни қутади.

САЙЛОВЧИ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

ЎзМТДПнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида партия раҳбари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятига алоҳида тўхталиб, бу борада хал талаб ишлар қилиниши кераклигини, халқ вакиллари ўз ваколат ва имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, ўтган 2016 йилги фаолиятимизга назар солсак, маҳаллий вакилик органларидаги айрим депутатлар қонулар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг худуддаги ижросини назорат қилишда суҳташликка йўл қўйди.

Ўтган йили халқ депутатлари Самарканд вилоят Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи худудларда ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш тарзини янада ошириш, шунингдек, олис худудларда транспорт инфратузилмасини яхшилаш каби муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масалаларга доир 70 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди, 17 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди, доимий комиссиялар йиғилишларига 7 тақлиф олиб чиқилди, яна бир неча масала маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Партия сайловолди Платформасида худудларда истиқомат қилаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини янада юксалтириш, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолига транспорт хизмати тизимини яхшилаш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Партия гуруҳимиз ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширолмоқда. Масалан, Самарканд шаҳридаги Чилстум, Мотрид ва Наврўз маҳаллалари худудидagi "Янги Афросиёб" йўналишида атиги битта — 23-сонли автобус катнаётгани, бу эса аҳоли зич яшайдиган мазкур худудда қатор нуқулалик тугдираётгани туфайли фуқаролар партия гуруҳига мурожаат қилган эди. Шундан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Гулнора Жўраева "Самаркандтрансмарказ" раҳбариятига депутатлик сўрови юборгач, бу масала ижобий ечим топди. Ёки аҳолининг вилоят марказидан Ургут ту-

манининг Найзатапа, Мирзаобод, Янгиарик, Халқобод, Ўқрач, Савғон қишлоқларига борадиган йўллар таъмирталаб экани, бу эса транспорт қатнови ва фуқаролар учун муайян қийинчиликлар тугдираётгани юзасидан мурожаати асосида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи аъзоси Моҳира Ўтаева Ургут туман ҳокимига депутатлик сўрови юборди. Натижада мазкур йўналишдаги йўллар таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, Тайлоқ туманидаги "Эскижума" қишлоқ врачлик пунктида биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишининг ташкил этилишида амалий ёрдам сўраб қилинган мурожаат асосида партия гуруҳимиз раҳбари Баҳодир Шарофов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Кўп ўтмай, худудда тез тиббий ёрдам хизмати йўлга қўйилди.

Бундай мисолларни яна кўп қабил келтириш мумкин. Бирок амалга оширган ишларга махлиё бўлиб, фаолиятимиздан қониқиб ҳосил қилишга ҳаққимиз йўқ. Бу йилги фаолиятимизни Президентимизнинг "Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғрини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади", деган сўзларидан хулоса чиқарган ҳолда йўлга қўйишимиз лозим. Бошқача айтганда, бугун ҳар бир депутат халқимизнинг оғрини енгил қилиш учун нима иш қилди, уларни қандай масалалар ўйлантирапти, одамларнинг эҳтиёжларини таъминлаш учун қандай ишларни амалга оширишим керак, деган саволларни ўзига бериши ва жавоб топиши зарур. Бу жараёнда асосий эътибор депутатларнинг масъулиятини ошириш, партия гуруҳлари фаолиятини режалар ташкил этиш — давр талаби. Бу вазифалар эса зиммамизга катта масъулият юқлайди. Зеро, депутат фаолияти самардорлиги қозғаларгина эмас, балки амалий ишларда намоён бўлади.

Нафас ЭШҚОБИЛОВ,
халқ депутатлари Самарканд вилоят Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи аъзоси

Депутат минбари

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, энг аввало, халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 январда соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш каби долзарб масалалар кенг муҳокама этилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бунда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш борасидаги ишларни янада яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки юртимиз заминини шифобахш ўсимликларга, гул-ғиёҳларга бой. Маҳаллий доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, ўрганиш ва уларни қайта ишлаш асосида табиий шифо воситаларни тайёрлашни ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаси. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016-2020 йилларда республика фармацевтика sanoatini янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги, 2016 йил 31

октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада дастуриламал бўлаётир.

Айни пайтда фармацевтика соҳасида мавжуд имконият ва шароитдан тўлиқ фойдаланилапти, деб бўлмайди. Бугун мамлакатимиз фармацевтика бозорининг 75 фоизини импорт дорилар ташкил этмоқда. Шу боис шифобахш ўсимликлардан, табиат табобатидан турли касалликларни даволашда оқилона фойдаланиш бу борада муҳим аҳамиятга эга. Негаки табиий ғиёҳлардан тайёрланган даламалар иммунитетни кучайтиради, турли касалликларнинг асоратларини йўқотади, соғлиқни тез тиклашга ёрдам беради. Мисол учун, лимон — ўт-нафас ва юрак-қон томир тизими, жигар фаолиятига ижобий таъсир этиб, овқат хазм бўлишини яхшилайди. Назматанинг 300 граммини 3 литр сувда

ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ

биз учун ҳам озиқ, ҳам шифо манбаи



1 соат қайнатиб, ҳосил бўлган қайнатмадан қулқоқ томизилса, қулқоқ оғрини бартараф бўлади. Ёки даладой ўсимлиги яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга, тиббиётда меъда-ичка, оғиз бўшлиғи касалликлариди, турли даражали куйишни даволашда ишлатилади.

Аждодлар меросини чуқур ўрганиш она-табиатимиз неъматларининг ноёб тур ва хусусиятларидан маҳаллий шифобахш маҳсулотлар, арзон нарҳдаги дори-дармон воситаларини тайёрлаш имконини беради. Шу боис юртимиз корхоналарида асосан шифобахш

ғиёҳлардан инсон организми учун зарур табиий моддалар комплекси, хасталикка олиб келувчи сабабларнинг олдини олишда фойдаланиладиган биологик фаол қўшимчалар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли билан мулоқотлар чоғида энг катта бойлик — саломатлик билан боғлиқ мавзуларда кўп қабил масалалар кўтарилди. Биз уларнинг барчасига алоҳида эътибор билан ёндашиб, имкон қадар хал этишга ҳаракат қиламиз. Фуқароларимиз билан учрашувларда табиий воситалардан тўғри ва самарали фойдаланиш юзасидан ўз тақлиф-тавсияларимизни билдириб келмоқдамиз. Масалан, ўтган йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Микронутриент — саломатлик гарови" мавзусида ўтказилган давра суҳбатиде бу борадаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, муайян чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида "Соғлом бола — мамлакат келажаги" мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этилди, ёшларимизнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб воёга етиши учун тавсия ва маълумотлар берилди.

Амалга ошириляётган ушбу вазифалардан бизнинг асосий мақсадимиз — мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оз бўлса-да хисса қўшиш, "Аҳоли ўртасида мик-

ронутриент етишмаслиги профилактикаси" тўғрисидаги қонуни тарғиботини олиб бориш, маҳаллий маҳсулотларни хоржий мамлакатларга экспорт қилиш, энг муҳими, инсон саломатлигини сақлаш ва тиклаш учун хизмат қилувчи ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз, аввало, партия сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифаларга мос ва уйғун, қолаверса, аҳоли соғлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, келажақ авлодини соғлом қилиб воёга етказиш, аҳолига асоратсиз таъсир этувчи шифобахш ўсимликлар ҳамда улардан тайёрланадиган дори воситалари ҳақида кенг тушунча беришда муҳим ўрин тутди.

Тиб илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино ҳақидаги ривоятларда буюқ табиининг ғиёҳлар билан тиллашгани, табиатдаги барча ўт-ўланлар унга ўз сирларини очгани айтилади. Бу бежиз эмас. Зеро, ота-боболаримиз қадимдан турли хасталикларга давони табиатдан излаган, ғиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини, фойдали ва зарарли жиҳатларини ўрганиб, улардан қундалик ҳаётда унумли фойдаланган. Ўсимликлар биз учун ҳам озиқ, ҳам шифо манбаи. Фақат уларнинг хусусиятини пухта ўрганиб, тўғри фойдалансак, кифоя.



Фарҳод ШОМАХМУДОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи аъзоси

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ИНСОНИЙ КАМОЛОТ ТИМСОЛИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хар бир инсон муайян жамиятда яшайди, маълум бир элга мансуб бўлади. Инсоннинг камолоти даражаси эса ўзи мансуб бўлган элга нечоғлик меҳр кўйгани, эл-улус бахтини ўз бахти, гамини ўз гами деб билишига кўра белгиланади. Қомиллик тимсоли бўлган хазрат Навоий асарларида бу ғоя етакчи мавқеда туради. Зеро, буюк шоир ҳаётини тўлалигича Ватан равнақи ва халқ манфаатига бағишлади. Энг муҳими, шоир элпарварликка оид теран ахлоқий-эстетик қарашларини гўзал бадий шаклда, кўнгилларга етиб борадиган, чуқур таъсир қиладиган тарзда ифода этди. Биргина мисол:

*Эрур чун олам ичра жоғ фоний,
якши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни
комрон кўргач.*

Яъни мансаб-мартабаю мол-дунё — вақтинчалик, яхши ном эса абадий. Шундай бўлгач, ўзингни комрон кўрганинга, яъни баланд мавқега эришган чоғингда ўзгалар ҳожатини раво айламоқни одат қил — мана, улуг донишманд нима демоқчи! Аслида, одамийлик шуни такозо этади. Лавозим жиҳатидан мамлакат ҳукмдори Хусайн Бойқародан кейинги энг юксак мартабада бўлган хазрат Навоий бу қарашларига бир умр содиқ қола билди. Шоир Навоий халқ манфаатини нечоғлик улуг билиб:

*Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рағф андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин —
деб ёзган бўлса, амир Навоий оддий халқ билан мунтазам равишда мулоқотни бурчи деб билди. Ҳаётнинг ҳақиқатини кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одам*

якин пустин, босма чакмон, кўйлак-иштон, такия ва кафш улашилгани, Машҳаддаги Дорул-хуфозда хар куни фақат заиф ва етимларга овқат бериш учун махсус ошхона қурилгани бу буюк сиймонинг чексиз саховатидан дарак беради.

Эл гамини ўз гами деб билган, бор куч-салоҳиятини унга жафо етмаслиги йўлида сафарбар этган шоир бир ғазалида мана бундай ёзади:

*Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

Табийки, одамзод ҳаёти бир текисда кечмайди. Ҳаёт деганлари анчайин мураккаб, зиддиятларга бой. Улуг мутафаккир гарчи ҳаммага баравар яхшилик қилишни орзу этган, имкон қадар бунга эришган бўлса-да, кўпчилик ҳолларда қилган яхшилиги эвазига ёмонлик кўрган. Табийки, бундан изтироб чеккан, руҳан эзилган, қарама-қарши туйғулар гирдобиде қолган. Лекин хазрат Навоийнинг буюк-юкши шундаки, оний кайфиятдаги бундай кечинмаларни ирода кучи, матонат қуввати билан енга билган, ҳаёт синовларига ҳикмат назари билан қарай олган. Айтишга осон, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмагани аён. Буюк мутафаккир зиддиятчи кечинмалар гирдобидан чиқиш учун ҳикматни наинки топган, теран мазмун ва бетакрор бадийят уйғунлигида шеърга айлантирган:

*Давр элида гар вафо йўқ,
сен вафо қилеил, валеқ
Кимни хушқол этсанг,
андин тут ўзунгга юз малол.*

Вафо кўрмаганин холда вафо қилмоқ осонми? Сандан кўп яхшиликлар кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одам

хулоса чиқариши мумкин. Фақат улугларгина ҳеч бир эвасиз яхшилик қилмоққа қодир. Юрак ёлқини билан битилган мана бу сўзлар бунинг исботидир:

*Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,
Нединки ўтти туташтурғоли керак хошоқ.*

Элпарварликнинг бундан ҳам юксакроқ даражаси бўлиши мумкинми? Улусга фидойликнинг мезони бўла оладиган бундай фикрга келиш учун элга муҳаббатнинг миқёси қанчалар баланд бўлмоғи керак.

Хазрат Навоий қарашича, мамлакат обод ва халқ шод бўлмоғи учун жамиятда адолат устувор бўлиши зарур. Мамлакат ободлиги, ўз навбатида, халқ бой бўлишининг асосий шартидир. Халқ бой бўлса, давлатнинг хазинаси маъмур бўлади. "Сади Исқандарий" достониде буюк мутафаккир бу фикрларини куйидагича бадий талкин этади:

*Шаҳеким анга адл бунёд ўлур,
Натижа буқим, мулки обод ўлур.
Чу мулк ўлди ободу халққа гани,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани.*

Кимки халққа манфаат етказишни ҳаётини аъмолига айлантирса, бу орқали у, аввало, ўзига наф келтирган бўлади. Хазрат Алишер Навоий ҳаёти бунинг ёркин мисолидир. Бир умр эл-улус манфаатини ўз манфаати, халқ гамини ўз гами деб билгани учун ҳам бу улуг бобокалонимиз инсоний камолотнинг тимсолига айланди. Орадан беш ярим асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, унинг номи инсонпарварлик ва халқпарварликнинг беқиёс намунаси бўлиб келаётгани сабаби шунда.

Биз XXI асрнинг ўн еттинчи йилида яшаймиз. Бироқ буюк Навоий асарларидаги ҳаётбахш ғояларга хануз катта эҳтиёж сезамиз. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, "халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган қоида бу фаолиятнинг асосий мезони этиб белгилангани, мамлакатимизда инсон манфаатлари юксак қадрият даражасига кўтарилгани — эътирофга лойиқ. Бу борада қўтилган натижаларга эришмоғимиз учун улуг мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари бугунги авлодларга беқиёс сабақлар бера олади. Улуг шоир асарларида васф этилган инсонпарварлик, бошқарувда адолатни устувор билиш, эл-улус шод, мамлакат обод бўлиши йўлида фидойлик кўрсатиш сингари ғоялар ана шу мақсадларга муносиб хизмат қилиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Бу ҳаётбахш меросни изчил ўрганиши, янада тараққот аниқлаш ва жамият ҳаётида унумли фойдаланиши эса хар бир замондошимизнинг муқаддас бурчидир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Бизнинг шарҳ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қарорда барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда ва ўз вақтида берилиши белгилаб қўйилгани биз учун катта қулайлик яратади. Айниқса, олис ҳудудларда истикомат қилаётган пенсионерлар учун бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки баъзан пенсия пулларимизни бир неча ўн кунлаб, ҳаттоки ойлаб кечиктириб бериш ҳолатлари ҳам учраб тургани рост. Шунингдек, пенсиянинг банк пластик картасига ўтказиладиган қис-

туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши қатъий белгилангани ҳам мазкур ҳудудларда истикомат қилаётган аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Чекка ҳудудларда бюджет ташкилотларида, асосан, ўқитувчилар ҳамда шифокорлар меҳнат қилади. Ўзим ҳам таълим тизимида 40 йилдан кўп меҳнат қилганим учун бу соҳанинг машаққати, пасту баландини яхши биламан. Шу боис захматқаш ўқитувчиларимиз учун янада кенг қулайлик яратилганидан жуда севиндим.

Мухтасар айтганда, юртимизда биз

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

мидан фойдаланишда ҳам бир қатор муаммоларга дуч келаётганимиз сир эмас.

Тўғри, бугун юртимизда банк пластик карталари орқали тўловларни амалга ошириш учун барча имконият мавжуд. Колаверса, бундай ҳисоб-китоб қилиш қулай, пул маблағларини сақлаш ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда қатор афзалликларга эга. Очирини айтганда, пластик карталаридаги пулни баъзида ўзимиз истагандек сарфлаш борасида ноқулайликлар бўлгани ҳақиқат. Масалан, ўзим истикомат қиладиган Тахтақўпир туманидаги дўконларнинг барчаси ҳам тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминланган, деб бўлмайди. Шунинг учун невараларимизга бирор ширинлик ёки ўйинчоқ сотиб олиш учун ҳам туман марказидаги тўлов терминали ўрнатилган дўконга бориб келишга мажбур бўламиз. Бу, табиийки, кекса ёшдаги одамга баъзида малол келади. Ана шундай пайтларда нақд пулга эҳтиёж сезилади.

Мазкур қарор орқали бу каби ҳолатларга бутунлай чек қўйилиши аҳоли, хусусан, қарияларга кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир яққол намунасидир. Бундан ташқари, тоғли ва олис

кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етиб, шу кунларга етказганига доим шукрона айтаемиз. Фарзандларим, набираларимга бундай кунларнинг қадрига етиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклигини бот-бот тақдорлайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлишни тилаб, қўлимиз доимо дуода. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган қулайликлар биз каби кексаларга куч-қувват бағишлайди, умримизга умр қўшади. Бундай туйғу бугун юртимиздаги хар бир нуроний, табаррук отахон ва онахонлар кўнглидан ўтаётгани шубҳасиз.

Бахтиёр ДАУЛЕТЯРОВ,
меҳнат фахрийси,
ЎЗМТДП аъзоси



БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди халқимиз, айниқса, навқирон авлод тафаккурини бойитишда беқиёс ўрин тутайди. Бобокалонимиз бой адабий мероси бадий мукаммаллиги, маънавий-ахлоқий, тарбиявий жиҳатдан барча даврга хос бўлиб, нафақат ўзбек умматига, балки жаҳон адабиёти ва умуминсоний маънавиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда партия Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишлаб "Навоий даҳосига эҳтиром" мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, партия Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш ижодкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Тадбирда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова мамлакатимизда улуг бобокалонимизга юксак эҳтиром кўрсатиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда Алишер Навоий асарларидан

кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бугунги глобаллашув даврида Алишер Навоий меросига қайта-қайта мурожаат этиш, унинг асарларида ўз ифодасини топган инсоний камолотга етакловчи эзгу ғояларни ёшлар оғинга синдириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, — деди нотик. — Буюк мутафаккир ижодда Ватан, миллат, динчилик, дўстлик ва муҳаббат мавзулари юксак тараннум этилган. Шу боис, унинг хар бир асари мазмун-моҳиятини, айниқса, ёшларга кенг ва чуқур тушуштиришимиз зарур.

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ва ижодини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларни шоирнинг бой ва мукамал адабий меросидан баҳраманд этиш партияимиз ғоя ҳамда мақсадларига хар жиҳатдан мос ва ҳамохандир. Буюк бобокалонимиз асарлари асосидаги маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари ёшларни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат, аждодлардан фахрланиш туйғусини камол топтириш сингари партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида беқиёс аҳамият касб этади.

— Шарқ, хусусан, ўзбек умматига адабиёт тарихида Алишер Навоий ижоди ўзининг серқирралиги ва қўламдорлиги билан алоҳида ажралаб туради, — деди навоийшунос олим, ЎЗМТДП фаоли Олимжон Давлатов. — Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва улуглигини англаш туйғуси халқимиз онгу шуурига, қалбига, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Навоийни англаш, унинг фалсафий, ахлоқий, маданий-маърифий мушоҳадаларга бой асарларини ўқиш ва тушуниш улкан саодатдир.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий ғурур ва аждодлардан фахрла-



ниш, миллий ўзликини англаш туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз бардавомлигини сақлаш муҳим вазифалар сирасига киритилган. Жаҳон тамаддуни, миллий маданият ва маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этган буюк ижодкор, шеърят мулки султони Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш партияимиз ташкилотлари ва хар бир аъзосининг вазифасига айланмоғи лозим.

Тадбирда Алишер Навоий асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни, уларда илгари сурилган шарқона одоб, ибто, мардлик ва жасорат, эл-юртга садоқат, ота-онага ҳурмат, муҳаббат ғоялари нечоғлик аҳамиятли эканлиги борасида сўз юритилди. Навоий ғазалларидан намуналар ўқилиб, улар билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди. Улуг шоир ҳаёти ва ижодига оид сахна кўринишлари намойиш этилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

Инсон тафаккури кўйлаб чўққиларни забт этди. Энди тана ва рух саломатлигига зиён келтираётган “эрмак учун” ёхуд “дардларни унуттирувчи” деб аталадиган кашандалик иллатининг турфа кўринишлари ёшлар ўртасида кенг оммалашаётгани инсониятни ўз хатосини англашга ва уни бартараф этишга ундаши шарт.

... Бундан бир неча йил муқаддам Украинанинг Львов шаҳридаги тамадихоналардан бирида чилим чекиш билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа юз берди. Йигирма уч яшар қиз ўроқлари билан кафега келиб, аввал арок, сўнг чилим буюради. Зиёфатдан сўнг чилим чеккан қизнинг аҳоли тўсатдан ёмонлашади. Шифокорлар етиб келгунча эса ҳаётдан кўз юмади...

Бугун чилим чекиш нафақат эркаклар, балки хотин-қизлар ўртасида ҳам оммалашиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили дунёда қарийб 6 миллион киши кашандалик билан боғлиқ касалликлар оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Агар бу борада ўз вақтида зарурий чора-тадбирлар кўрилмаса, мазкур кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши мумкин.

Ташкилотнинг эътирофи эътишча, тамадихона ва ресторанларда чилим истеъмолига нисбатан чеклов ўрнатилмагани, Интернет орқали унинг кенг тарғиб қилинаётгани, аксарият давлатларда “чилимчи”лар фаолиятини чеклашга қаратилган қонуларнинг мавжуд эмаслиги, одамлар онгида чилим тамакига қараганда зарарсиз, деган фикрнинг шаклланиши, қолаверса, айрим ёшлар уни “мода” ўрнида қабул қилаётгани чилимхўрликнинг оммалашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Кашандалар чилим чекканда асаби тинчланиши, ўзини ёнғил хис этиши, тамаки сингари унга қаттиқ боғланиб қолмаслигини рўқач қилишади. Бироқ сўнгги тадқиқотлар чилим одамни ўзига қарам қилишда тамакидан ўтса ўтиши, аммо ортада қолмаслигини исботлади. Мутахассислар чилимнинг зарарсиздай туюлишига бир неча сабаб мавжудлигини айтмоқда. Биринчидан, у тамаки сингари ёқилмайди, кашанда унинг ёниб қолган айланмаётгани бевоқифа кўрмайди. Иккинчидан, чилим орқали тортиладиган тугун сув воситасида ўтиб келгани боис совийда ва юқори нафас йўлларида тамаки қаби таъсир этмайди. Бу эса кашандада чилим гўё унинг саломатлигига зарар етказмайдигандек таасурот уйғотади. Ваҳоланки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари чилим чекиш инсон саломатлигига жиддий зарар етказишини таъкидламоқда.

АҚШнинг Виржиния ҳамдўстлиги ҳамда Байрут университети ходимлари чилим чекиш одам организмга қанчалик зарарли эканига оидлик

қиритиш мақсадида катта ёшда 31 кўнгилли ўртасида тажриба ўтказди. Аввал тажриба иштирокидаги галмагалдан чилим, сўнгра бир дондан тамаки чекиб кўришди. Шундан сўнг иштирокчиларнинг қони таркибидаги никотин, ис газининг миқдори ҳамда юрак уриш частотаси ўлчанди. Тажриба чилим чекканда одам қонидида ис газининг миқдори уч баравар ошишини, тамакидан кам бўлмаган миқдорда никотин ютишини исботлади...

Чилимнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташланса, у Хиндистонда кашф этилгани, Шарқ мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалгани ойдinлашади. У Европада XIX асрга келиб оммалаша бошлади. Чилим, одатда, тугун тортишга мўлжалланган битта найчадан иборат. Баъзан бир чилимда икки ва ундан кўп найча бириктирилиши мумкин. Чилим учун мўлжалланган тамаки сизигараникидан сезиларли равишда фарқ қилади. Чилим тамакиси ёпишқоқ масса кўринишида бўлади, унга мева хиди, асал ёки қиём кўринишидаги ҳуштайм моддалар қўшилади. Айрим устаси фаранг тадбиркорлар та-

лиқни сақлаш вазирилик инсон соғлиғи ва санитар-эпидемиологик ҳолатини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Ўринбосари Наталья Костенко. — Сабаби чилим найчасини тозалашнинг имкони йўқ. Бу ҳам етмаганидек, ресторанларда ҳаммага алоҳида чилим берилмайди. Модомики шундай экан, ҳеч ким чилимнинг найчага бириктириладиган қувурчаси тўлиқ тоза эканига қанолат бера олмайди. Бундай тамаки воситаларидан фойдаланган тамадихоналарнинг одатда нам ва иссиқ бўлиши сил таёқчаларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди”.

Бироқ тамадихона ҳамда ресторанларда чилимқашларга бир марталик мундштук (тутун тортувчи найча) берилиши ҳам уларнинг саломатлигига етказадиган хавфни камайтира олмайди. Чунки доимий фойдаланиладиган чилимнинг қувурчасида қўйлаб инфекциялар яшайди. Чилим чекиш жараёнида ажралган сўлак ускунанинг қувури орқали филтёр вазифасини бажарувчи суюқлик солинадиган чойнакка тушади. Ана шу сўлак бую-

ўрнига спиртли ичимлик солинади. Аслида чилим чойнагига ўткир турдаги спиртли ичимликлар — арок, коньяк, виски қуйиш тавсия этилмайди. Боиси улар воситасида чилимнинг кучи бир неча баравар ошади.

Бугун Интернет ёки ижтимоий тармоқларда айрим ёшларимизнинг кафе ёки ресторанларда наватдаги чилимқашликдан завқлангани акс этган суратларга тез-тез кўзимиз тушади. Ёнғил-елпи ҳаётни хуш кўрувчи айрим ёшлар учун улфатлар билан бир стол атрофида жам бўлиб, суҳбат асносида қўлма-қўл қилиб чилим чекиш олифталик, ўзини кўз-кўз қилиш воситасига айланмоқда. Аслида эса у “оммавий маданият”нинг бир кўриниши экани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Баъзан кўча-кўйда юрганимизда ресторан ва тамадихоналар олдида чилим чекишга чорловчи рекламаларга дуч келамиз. Бу билан айрим умумий овқатланиш масканлари раҳбарлари амалдаги қонуниликни рўй-рост бўзмокда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ҳамда уларни истеъмол қилишни тарғиб этишга йўл қўйилмайди. Яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни рабатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарлилиги ҳақида тасаввурни шакллантирувчи ҳар қандай ҳолат ва ҳатти-ҳаракат тақиқланади.

ЧИЛИМ — ЗАРАРИЛИМ-ЛИМ

орқали барча кашандага етиб боради ва ўткир респиратор, ҳатто, гепатит ёки сил касалликларининг юқишига сабаб бўлади.

Чилимнинг суюқлик солинадиган чойнаги тамакини тўлиқ филтёрлай олмайди. Боиси тамаки тутун таркибидаги барча модда ҳам сувда эримайди. Шу сабабли деярли барча зарарли моддалар (ис газининг, формальдегид, смола, никотин ва бошқалар) кашандаларнинг ўпкасига оқадар етиб боради. Мисол учун, сув орқали чиқиб кетадиган бугун таркибида углевод монооксида (углерод оксиди) ажралиб чиқади. Мазкур модда ичакларни кенгайтириб, одамни сархуш қилади. Айнан шу модда юрак уришини тезлаштиради, меъдани кўп миқдорда ажралганида эса марказий асаб тизими ва бош миёна фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ҳатто, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Чилим чекканда нафақат кашандаларнинг ўзи, балки атрофдагилар ҳам зарар кўради. Буюк британиялик олимларнинг эътирофи эътишча, чилим чекиладиган хонада маълум муддат нафас олиш 100-200 донна тамаки чекиш билан баравар экан. Спиртли ичимлик ичиш билан бир вақтда чилим чекиш унинг зарарини бир неча баравар оширади. Баъзан чилим чойнагига сув

қилишнинг зарарлилиги ҳақида тасаввурни шакллантирувчи ҳар қандай ҳолат ва ҳатти-ҳаракат тақиқланади.

Яна бир гап: жамоат жойларида, хусусан, кафе ва ресторанларда чилим истеъмол қилиш турли зарарли оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Аввало, унинг кўп миқдордаги тутундан атрофдагилар азият чекади, қолаверса “ёқимли тутун” бошқаларни ҳам ўзига жалб этади. Чилим чекиш кашандани кейинчалик тамакининг бошқа турлари, хусусан, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ундамаслигига ҳеч ким қанолат бера олмайди. Боз устига чилим найчасидан бир неча киши бир вақтнинг ўзиде фойдаланиши натижасида юқумли касалликлар (гепатит, сил ва бошқа инфекциялар) тарқалади. Ёнғ ёмони, чилимда ёниб турган кўмирдан фойдаланилиши эҳтиётсизлик оқибатида бинода ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар бир инсон — ўз бахтининг бунёдкори. Саломатлигини асраш ҳам кўп жихатдан ҳар кимнинг ўз қўлидадир. Шундай экан, ўткинчи хою-хавасга берилётган, вақтинчалик завқ-завқни деб кашандаликка ружу қўяётган айрим инсонлар бугун қўл ураётган зарарли одатларининг кейинги оқибатини ҳам ўйлаб кўрсалар, бу қаби салбий иллатлар бизга яқин йўламайди.

“Milliy tiklanish” мухбири
Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади.

Ижтимоий ҳимоя

ҲАР БИР БОЛА — ДАВЛАТИМИЗ ҲИМОЯСИДА

Пойтахтимизда “Ижтимоий инклюзия: болалар ижтимоий мослашувидаги янги ёндашувлар” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

“Sen yolg'iz emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда сенаторлар, депутатлар, олимлар, экспертлар, педагоглар, хорижлик мутахассислар қатнашди.

Анжуманда сўз олган “Sen yolg'iz emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Вазирлик кенгаши раиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Лола Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон халқ таълими вазири Улугбек Иноятлов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элмира Боситхонова, депутатлар, мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристина Пиккат, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн ҳамда бошқалар мамлакатимизда навқирон авлодни чуқур билимли, соғлом салохиятли инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилгани, улар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш қонуни ҳимоясида эканини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳада ҳаётга изчил татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини янада яхшилашда, уларда болаларнинг беэҳтиётлиги бўлган ҳолатларни ҳимоялашда муҳим омили бўлмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида оилалардаги маънавий муҳитни мукамал ўрганиш, болалар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга оид долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида ҳам ижтимоий ҳимоя, ёшлар қамолоти билан боғлиқ долзарб масалалар акс этган.

Тиббий имконияти ва эҳтиёжидан қатъи назар, барча боланинг бирга таълим олиши, жамиятга интеграциялашувига оид жиҳатлар ижтимоий инклюзиянинг таркибий қисмидир. Мамлакатимизда бу йўналишни янада такомиллаштиришга доир бир қатор маърифий-ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши билан бирга умумтаълим мактабларида инклюзив таълим учун зарур барча имкониятларни яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатлар таълим масканларида махсус йўлқачлар қуриш, синфхоналарни зарур воситалар билан жиҳозлаш, педагогларнинг касб маҳоратини ошириш, кенг жамоатчилик, ота-она ва болаларни инклюзив таълимга тайёрлашда яққол акс этмоқда.

Мустахкам қонунилик базаси яратилгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ҳамда жамоат тузилмалари ўртасидаги мустахкам ижтимоий ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилгани ушбу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. “Sen yolg'iz emassan” жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, тиббий имконияти турлича бўлган болаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий манфаатларини таъминлашга доимий эътибор қаратаётди.

— Инклюзив таълим, ижтимоий инклюзияда психологик жиҳатларга эътибор қаратиш роят муҳимдир, — дейди австриялик эксперт, болалар психологи Юрген Беккер. — Чуқур таҳлил асосида, аввало, болаларнинг фикрини ўрганиш, ота-оналар, педагоглар билан мулоқотлар инклюзив таълимга тўғри ёндашув ва унинг йўналишларини белгилашда муҳим омил саналади. Ўзбекистонда инклюзив таълим бўйича амалга оширилаётган лойиҳада ушбу жиҳатлар яққол кўзга ташланади.

Ўн учинчи бор ўтказилган мазкур анжуманда ижтимоий инклюзиянинг асосий йўналиши ва истикболлари, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари, ижтимоий инклюзиянинг психологик асослари, воқеа етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид масалалар атрофида муҳофизат этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди. Халқаро конференция доирасида хорижлик экспертларнинг маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

БАНК КРЕДИТЛАРИ — ҲАР БИР ХОНАДОНГА

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг 828 малакали ходими аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида қисқа вақтда 460 дан зиёд қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги хонадонларда бўлиб, банк хизматлари ва кредит турлари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят бошқармаларида, мавжуд филиалларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш учун алоҳида бўлимлар фаолият йўлга қўйилди.

Бу ҳақда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари га бағишлаб Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда батафсил маълумот берилди. Унда банк мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2017 йилда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратмоқда. Таклиф этилаётган кредитлар 3 йил муддатга, 9 фоизлик имтиёз билан берилётгани аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунда аҳолига қорвачилик, паррандачилик, асалари-чилик, қуёнчилик, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, қасаначилик, хунармандлик, тиквуччилик, сартароқчилик, қандолатчилик каби 20 дан зиёд йўналишда молиявий хизматлар таклиф қилинаётди.

— Аҳоли билан учрашувларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилмоқда, — деди “Қишлоқ қурилиш банк” бошқарув раиси Ўринбосари Алишер Муродов. — Олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида ўн тўрт миңдан ортиқ фуқаро тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган. 3 миң 457 фуқарога қарийб 35,5 миллиард сўм кредит берилди. Натижада қорвачилик, паррандачилик, иссиқхона фаолияти, хунармандлик каби соҳаларда 3,5 миңга яқин янги иш ўрни яратилди.

Матбуот анжуманида “Қишлоқ қурилиш банк”да амалга оширилиши кўзда тутилган янги лойиҳалар, келгусидаги асосий йўналишлар бўйича ҳам батафсил маълумотлар берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Рангин дунё

ДАРЁ БЎЙИДАГИ САНЪАТ ҚОШОНАСИ

Шу йилнинг 11 январиде Германиянинг Гамбург шаҳрида “Эльба” филармонияси биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда икки миңдан зиёд томошабин иштирок этди. Иншоот қурилишини мамлакат аҳолиси нақд 10 йил қутишига тўғри келди. Очилиш маросими доирасидаги илк концерт “Zum Raum wird hier die Zeit” симфоник оркестри иштирокида бўлиб ўтди.

Филармония биносининг айнан мазкур шаҳарда қуришга қарор қилингани бежиз эмас. Чунки Гамбург нафақат мусиқий аъёналари, балки Иоганнес Брамс, Георг Фридрих Гендель, Иоганн Себастьян Бахнинг ўғли — Карл Филипп Эмануэль Бах қаби номдор бастакорлари билан ҳам машҳур.

Филармониянинг номланиши унинг Эльба дарёси соҳилида қад ростлагани билан изоҳланади. Мазкур бинонинг тамал тоши 2007 йилда қўйилган бўлиб, уни 2010 йилда қуриб битказиш режалаштирилган эди. Аммо турли сабаблар туфайли қурилиш узок муддатга чўзилди. Шу боис немислар уни ҳазиломуз тарзда “энг кўп куттирган иншоот” деб атай бошлади. Аввалга қурилиш учун 77 миллион евро сарфлаш мўлжалланган эди. Бироқ қурилишнинг орта сурлиши туфайли сарф харажатлар 789 миллион еврога ошди. Иншоот Швейцариянинг “Hezog & de Meuron” архитектура бюроси лойиҳаси асосида XX асрнинг 60-йилларида Эльба дарёси бўйида

қурилган собиқ омор ўрнида бунёд этилди. Мазкур бюро ўз вақтида Лондон шаҳридаги “Tate” музейи, Пекиндаги “Олимпия” стадиони қурилишига ҳам бошчилик қилган.

Бино ташки томондан шишадан тўлқинсифат қилиб ишланган панеллар билан қопланган. Унда осмон, дарё суви ҳамда шаҳар акси яққол кўриниб туради. Пўлат ҳамда ойнадан иборат мажмуанинг умумий оғирлиги — 78 миң тонна. Лойиҳа муаллифларининг сўзларига қараганда, бинонинг тўлқинсифат шакли овоз ҳаракатига, бу ерда мусиқий томошалар ўтказилишига ишорадир.

Филармониянинг ойнаванд ташки томони турли шаклда ишланган 1,1 миң қурилиш элементларидан иборат. 26 қаватли бинонинг энг баланд нуқтаси — 110 метр. Бу шаҳарда жойлашган 132 метрли “Муқаддас Михаил” черковидан бироз паст дегани. Саккизинчи қаватда жойлашган бинонинг томоша майдончаси — 4 миң квадрат метр. Унга лифт ёки 82 метрли эскалатор воситасида кўтарилиш мумкин.

“Эльба” филармонияси шунчаки концерт зали эмас, балки бутун бошли маданият маркази саналади. Филармония биносининг ички қисмида 2,1 миң кишига мўлжалланган ҳамда 550 кишини сиғдирадиган катта ва кичик концерт заллари мавжуд. Қуйқўшиқ оханги концерт залининг барча бурчагига бир хилда етиб бориши учун хона деворлари гипс панеллари билан қопланган. Қолаверса, залнинг



шифтада овоз тўлқинларини хона бўйлаб бир хилда тарқатишини таъминловчи махсус ускуна — рефлатор ўрнатилган. Концерт зали “тоғ ёнбағридаги узумзор” тамойили асосида бунёд этилган. Зал марказида сахна жойлашган. Унинг қават-қават қилиб ишланган айвонларида ўриндиқлар худди тоқор сингари тизиб чиқилган.

Филармония биносиде 244 хонадан иборат беш юлдузли меҳмонхона, 45 хонадон, фитнес-зал, конференц-марказ, дўкон, автотураргоҳ ўрин олган, бар ва ресторанлар фаолият юретади. Бу ерда бўлиб ўтадиган қоғозларнинг чипта нархи — 9,90-218,90 евро оралиғида ўзгариб туради.

Ўз мухбиримиз

Анъаналар давом этмоқда

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — УСТОЗНИНГ БАХТИ

Хунармандлик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Юртимизда қадимдан юксак хунармандлик анъаналарига эга ўзига хос мактаблар шаклланди. Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик йилларида янада ривожланди. Миллий-маданий меросимиз, жумладан, хунармандликни янада ривожлантириш, хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга турли имтиёз ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридида “хунарманд усталарни тарбиялаб етиштириш, шу билан бирга хунармандлар сулолаларининг ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи сулолавий хунарнинг умрибоқийлигини таъминлашда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир”, деб таъкидлайди.

ларига кўмакдош. Юртимизда халқ амалий санъати бўйича сулолавий хунармандлар фаолият кўрсатиб, ҳозир олтинчи, еттинчи авлод вақиллари бу йўналишда ижодий изланмоқда. Бу мазкур йўналишдаги анъаналарнинг бардавонлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Устоз-шогирд” анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган уста ўз хунарини ўргатиш учун асосан 7-8 ёшли болаларни шогирдликка олган. Шогирд устанинг ёнида 7-12 йилгача юриб, хунар ўрганган. Албатта, шогирдликка ҳам синов асосида қабул қилинган. Хунар ўрганувчининг тиришқоқлиги, иштиёқмандлиги ва таълим-тарбиясига катта аҳамият берилган. Уста шогирдининг қобилияти, сабрига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, ўз хунарини ўргатишга киришган. Энг қувонарлиси, мазкур қадриятлар ханузгача барҳаёт. Шогирдлар учун хатто махсус одоб талаблари ишлаб чиқилган. У касб-хунарга оид низоом (конун-қоида)ларни ўз ичига олган. Шогирд касбини пухта эгаллагач, устоздан дуо олиш маросими ўтказилган.

Ушбу маросим ҳар хил шаклда ўтказилган, хунармандчиликнинг турига қараб номланган: “камарбанд, камарбаста” (тўқувчиликда), “ок фотиҳа” (ёғоч ўймакорлиги ва кулчиликда), “арвоҳи пир”, “миёнбандон” (зардўзликка хос) деб аталган.

Хусусан, Хива ёғоч ўймакорлиги мактабидида “ок фотиҳа” маросими қуйилганда ўтказилган: шогирд уйига устози билан бирга кулол, темирчи, наққош, мисгар, пичоқчи каби хунар усталарини ҳам чақирган. Уста дастурхон атрофида таъзимда турган шогирди ёнига келиб, белига белбоғ боғлаб, ўнг қўлига ок тугунга ўралган иккита ноғ, чап қўлига ёғоч ўймакорлиги жиҳзоларини солади. Шундан сўнг бошқа усталар хузурида шогирдини “рисола” бўйича савол-жавоб қилади. Рисоладан мижозлар билан мулоқот, поэтикалик, ҳалол меҳнат, бошқа хунармандларга нисбатан адоватда бўлмаслик, фақат бойлик орттириш мақсадини кўзламастик каби тартиб-қоидалар ўрин олган. Савол-жавобдан ўтгач, устоз шогирдга ок фотиҳа беради: шогирд уста макомига эга бўлади.

Ёш устанинг ўз олдига қўйган олий мақсади сари интилиб, ўзи мустақил равишда хунар билан шуғулланишида, одоб-ахлоқ мезонига риоя этишида, ёш авлодни хунармандчилик касбига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда “устоз-шогирд” анъанаси ва у билан боғлиқ бўлган маросимларнинг аҳамияти жуда

каттадир. Инсон ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун бор билим ва кучини ишга солса, кўзлаган мақсадига эришади.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футуватномаи султоний” китобида устоз қандай бўлиши, шогирдлик шартлари нималардан иборат экани ҳақида батафсил маълумот берилди: “Агар қимматли устоз ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрайдиган, доно ва тамизли кишидир, деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва баҳилликдан асар ҳам бўлмаслиги керак. Агар шогирдлик бинноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб айтгин. Иродат нима деб сўрасалар, устоз нимани айтса, уни жон қулғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир. Агар шогирд учун нима яхши деб айтсалар, пок эътиқод, деб айт, чунки фақат эътиқод кишини муродга етказди...”

Тарих саҳифаларидан “устоз-шогирд” макомига оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дарвоқе, истиклолгача ёшлар тақдирига муносабат бугунгидек эмасди. Уларнинг келажаги, жисмининг саломатлиги-ю маънавиятининг бойиши, ақлий салоҳиятининг юксалиши-ю бирор касб-хунарнинг эгадиган тутиши, орзу-истакларининг рўёбга чиқиши учун ҳеч ким жон куйдирамасди. Мустақиллик шарофати билан у яна халқимизга, ҳаётимизга қайтди, янги мазмун-моҳият касб этди. Бобомерос қадрият — “устоз-шогирд” анъаналарини янги шароитда, янги мазмунда ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари юзага келди. Бугун мактаб, коллеж ва олий ўқув юртида ўқитилган ўрил-қизларимиз ўз муаллимларига “устоз” деб мурожаат қилаётгани ва бу урфга айлангани ниҳоятда аҳамиятлидир. Зеро, тилда қайта-қайта тақдорланган калом вақти келиб, қалбга муҳрланади. Қалбдан жой олган сўз инсоннинг эътиқодида айланади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар бобомерос бўлиб келаётган кўҳна хунар сирларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. ЎзМТДП ва Республика “Хунарманд” уюшмаси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Биргаликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Партия сайловолди Платформасида ҳам халқ хунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда мазкур соҳани янада ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Юқорида эътироф этилган қадимий миллий анъаналар бардавонлигини таъминлаш сизу бизнинг зиммамизига муҳим вазифадир.

Умрбек МАХМУДОВ,
ЎзМТДП фаоли

Миллий ғурур

< Давоми.

Бошланғич 1-бетда.

У яратган бир қанча дастур, айни пайтда, барча синовдан муваффақиятли ўтган ҳамда шахсий компьютер ва мобил телефонларда қўллаш учун тавсия этилган.

Изат ўзи танлаган соҳанинг сир-асорини устозларидан ўрганиш билан чекланиб қолмай, бўш вақтида Интернет тармоғидан янги маълумотлар олишга, қўшимча адабиётларни ўрганишга интилади. Унинг бу иланишлари, албатта, зое кетмади. Устози Отабек Нарзиев кўмағида ўзи танлаган соҳаси бўйича қатор иланишларга қўл урди. Айниқса, у яратган “Корпоратив ходимлар ҳисобини юритиш” дастурий тизимни кўпчиликнинг эътиборини тортди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Шарк” наشريёт-матбаа корхонаси, “Темирйўллойиха” ташкилотда амалиётга жорий этилди.

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида замон талабларига тўла мос келадиган миллий таълим

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

тизини яратилди. Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳиятни, кенг тафаккури ва техник билан дунё ахли ҳавасини уйғотмоқда.

Бундан ташқари Тошкент ахборот технологиялари университети мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур университетда талабалар замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш борасида қатор ютуқларга эришмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ота-онам менинг қизиқишларимни тўғри тушуниб, шу соҳага йўналтирмаганда, виртуал оламда йўлимни йўқотиб қўйшим ҳеч гап эмасди, — дейди Изат Махмудалиев. — Далам менга хатто фойдали ўйинларни танлашни ҳам ўргатган. Бу ўйинлар инглиз тилини пухта ўзлаштиришга, кейинчалик “Funny English” дастурий мажмуани яратишга туртки бўлди. Мазкур дастурий мажмуа бошланғич синф ўқувчилари учун инглиз тили фанини ўқитиш жараёнини автоматлаштиришга мўлжалланган, мультимедиа компьютер хоналарида ўрнатиладиган дастур бўлиб, ўқитиш жараёнини ўқитувчи ва ўқувчига қулай, интерфаол ва қизиқарили тарзда ташкил этиш имконини беради. Бундан ташқари уйда ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун жуда қулай дастур ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Изат Махмудалиев яратган “Funny English” дастурий мажмуаси ва “Корпоратив ходимлар ҳисобини юритиш” дастурий тизимни учун муаллифлик ҳуқуқномаларини берди. Хозирги кунда изланувчан талаба устози Барно Ғаниева кўмағида электрон кулдонга мобил иловасининг дастурини яратиш устида изланиш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда жаҳон таъриқиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун барча шароит яратилган, — дейди университетнинг информатика факультети ўқитувчиси Отабек Назриев. — Бундан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз ўзлари танлаган соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Изатбек — энг тиришқок, билимли талабаларимиздан. Унинг илмий мақолалари мамлакатимиз ва хорижий илмий нашрларда чоп этилмоқда. У 2016 йилда талабалар ўртасида ўтказилган “Компьютер графикаси” фан олимпиадасида фахрли ўринни эгаллади. Университетда ташкил этилган “Intellectual Generation of Uzbekistan” танловига ҳам фаол иштирок этди. Инновацион ролялар, технологиялар ва лойиҳалар IX республика ярмаркасида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Махсус дипломи билан тақдирланди.

Буюк немиш шоири ва файласуфи Гёте ёзганидек, “умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ”. Дарҳақиқат, ёш олимларнинг ўз қобилиятларини намоеён этиши учун яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тарқиқётига уларнинг ҳам муносиб ҳисса қўлишида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ куйидаги ҳужжат юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисида қарор (18.01.2017 й.) қабул қилинди ва уларга нисбатан тугатиш ҳаракати бошланди.

- | | |
|-------------------------------|---------------|
| 1. Tashkent label | 10-1612/32544 |
| 2. Fasad elit | 10-1612/32552 |
| 3. Bek universal tech bulding | 10-1612/32553 |
| 4. Zokir Nosir ota | 10-1612/32547 |
| 5. Zulfer Med | 10-1612/32545 |
| 6. Bahor Shahrisabz | 10-1612/32543 |
| 7. East side trading | 10-1612/32546 |
| 8. Regimen paper | 10-1612/32548 |
| 9. Malika nur baraka | 10-1612/32551 |
| 10. Tashflora | 10-1612/32550 |

Маъмур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари икки ой муддат мобайнида Яққасарой тумани ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Корхоналарнинг думалок муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Мурожаат учун телефон: 0-371-255-73-69.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йил 25 февралдаги I-121 ау-Зр-сонли фармойишга асосан Химатулло Аҳмадиллаевчи Абдурахмоновга мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери №430-ау бўлган Тошкент шаҳар Сергели тумани 14-мавзесида жойлашган яққа тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган, майдони 0,04 га бўлган 123 А-сонли ер майдони ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йил 25 февралдаги I-121 ау-Зр-сонли фармойишга асосан Махаммадбабир Абдурахмоновчи Юлдашевга мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери №436-ау бўлган Тошкент шаҳар Сергели тумани 14-мавзесида жойлашган яққа тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган, майдони 0,04 га бўлган 100 А ҳамда 122 А-сонли ер майдони ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йил 25 февралдаги I-121 ау-Зр-сонли фармойишга асосан Муҳаббат Хасановна Абдурахмоновга мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери №428-ау бўлган Тошкент шаҳар Сергели тумани 14-мавзесида жойлашган яққа тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган, майдони 0,04 га бўлган 101 А-сонли ер майдони ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан 2005 йилда Маннонова Зубайда Назиралевнага берилган В № 193861 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Халқимизда халқ амалий санъати сирларини авлодларга ўргатиш яхши анъанага айланган. Зотан, яхши таъриба кўпчилиكنинг мулкига айланса, самараси янада ортади. Ойладаги ёки маҳалладаги ижодий муҳит, ота-боболаридан мерос касбини давом эттириш истаги туфайли аждодларининг хунармандлик анъаналарини муваффақиятли давом эттириб келаётган хунарманд-тадбиркор сафи тобора кенгайиб бораётир. Бугунги кунда соҳа вақиллари “уста-шогирд” анъанаси асосида миллий санъатимизни қайта тиклашга қизиқадиган ёшларга ўз хунари сирларини ўргатмоқда. Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни фуқароларининг маънавий етуқлиги, интеллектуал салоҳияти билан ҳам белгиланади. Бу эса бевосита устоз ва мураббийлар зиммасидаги вазифа. Алишер Навоий “Агар шогирд шайхулхислом, агар қозидур, агар устоз рози — Тангри розидур”, дейди. Ота-она навихол фарзандини шогирдликка бераркан, устозига “эти сизники, суяғи бизники”, дея лутф қилган. Яъни фарзандининг келажаги ва тақдирини

ўз ишининг устасига ишониб топширган. Устоз ҳам, ўз навбатида, шогирди тақдирини ўзини масъул билдиб, бор иқтидори хунарини унга ўргатишга интиланган, болани тартиб-қоидага кўнжиктирган.

Юртимизда ўз меҳнати ва фидойилиги билан элда эъзоз топган хунармандлар жуда ҳам кўп. Улардан бири — Аслидин Матёкубов Хоразмнинг моҳир хунармандларидан.

— Бугун мамлакатимизда меҳнат қиламан, янги ташаббусларга қўл ўриб, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшаман, деган киши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди ёғоч ўймаkori Аслидин Матёкубов. — Миллий хунармандлик асосида фаолият юритаётган тадбиркорларимиз учун жорий қилинган солиқ имтиёзлари уларга катта имкониятлар эшигини очмоқда. Маҳалламиз хунармандлари ҳам бу имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, фаолият кўламини кенгайтириб келаётир. Айтиш жоизки, хунармандлар ҳудудда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касбга йўналтириш масаласида йигин фаол

МУТАФАККИР ШОИРЛАР ИЖОДИ — ТАРБИЯ АСОСИ

Фан ойлиги

Мамлакатимизда Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кунни байрам сифатида нишонлаш яхши анъанага айланган. Бу мутафаккир шоирлар асарлари инсонни қомиллик, одамийлик, ватанпарварлик, эзгулик, ҳалоллик, меҳр-оқибатга ундайди, уларнинг бетакрор газаллари мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар онг-шуррига етаказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ташаббуси билан Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан умумтаълим мактабларида “Навоий-

хонлик” ва “Бобурхонлик” ойлиги ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида буюк бобоклонларимиз ижодий меросига бағишланган адабий кечалар, маънавият соатлари, маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. “Буюк аждодларни ёд этиб...” мавзусида адабиёт, шеърят байрамлари, мушоиралар ўтказилмоқда. Ёзувчи ва шоирлар, маънавият ва адабиёт фидойилари иштирокидаги ушбу тадбирларда Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, фаолияти, ижодий меросининг аҳамияти ёшларга кенг тушунтирилмоқда. “Навоий ва Бобур ижодини ўрганамиз”, “Навоий асарлари қадимларимизга мактуб” каби мавзуларда ижодий кўрик-танловлар ёш авлоднинг билим ва савияси, тафаккурини янада кенгайтириш ва бойитишда

алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 237-мактабда ўтган тадбир “Алишер Навоий асарларида инсон манфаатлари тараннуми” деб номланди.

— Алишер Навоий ва Бобур ижодида ўхшаш жиҳатлар кўп. Улар кўнгил, ишқ, иймон, одоб-ахлоқ, қаноат, саховат, вафо каби тушунчаларни теран шарҳлайди, — дейди мактаб директори Муҳайе Абдуразақова. — Ота-онани, Ватанин эъзозлаш зарурлигини таъкидлайди. Инсон бу ҳаётда яхши ном қолдириши, умрини эзгулик ва яхшиликлар қилиш билан безаш муҳимлигини уқтиради.

Республика таълим маркази бош методисти Комила Усмоно-



ванинг айтишича, умумтаълим мактабларида улур шоир меросини ўрганиш “оддийдан мураккабга” тамойили асосида йўлга қўйилган. Бунда бошланғич синфларда Ойбекнинг “Алишернинг ёшлиғи”, “Бола Алишер” каби ҳикоя ва қиссалари, Хуршид Давроннинг “Алишер Навоий” номли ҳикояси, Абдулла Ориповнинг “Алишернинг онаси” шеъри мисолида мутафаккир бобомизнинг бола-

лиги, ҳаёти ва ижоди ўғил-қизларга тушунтирилмоқда. Айни пайтда кейинги синфларда Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Саъйи сайёр” асарларидан ўқувчилар ёшига мос тарзда ҳикоя ва ривоятлар ўқилса, 8-синфда Навоий шеърятига унинг китъа, рубоий, газаллари ёрдами ошно бўлиш мумкин. “Хамса” асари 9-синфда ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Тадбирда Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур газалларидан намуналар ўқилди. Улар боболаримиз битган улмас асарларнинг жаҳон адабиётидаги юксак мақоми, ёшлар тарбиясидаги беқиёс аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Диляфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири